



МАСАЛ-ПОЕМА ЖАНРИДА ЯРАТИЛГАН АСАРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шодиева Сурайё Салоҳиддин қизи

Ўзбекистон, Қарши давлат университети докторанти;

Амонов Юсуф Ҳамидович

Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти Деконобод тумани

10-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада масал-поема характеристидаги бир нечта асарлар таҳлил этилган. Ушбу асарларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсланган ҳолда талқин қилинган. Мазкур масал-поемаларнинг адабиётимиздаги ўрни, бугунги кун учун аҳамияти мисоллар асосида ёритилган. Бундан ташқари, мақолада номи зикр этилган масал-поемаларни яратишдаги анъанавийлик ва новаторлик хусусиятлари давр нуқтаи назаридан ижтимоий муҳитга алоқадор ҳолда қандай шаклланганлиги ҳам акс эттирилган.

Калит сўзлар: Масал-поема, мажозий, тасаввуфий, “Мантиқ ут-тайр”, “Лисон ут-тайр”, “Гул ва Наврӯз”, “Гул ва Булбул”, “Муҳаббатнома ва меҳнатком”, “Хусн-у Дил”.

Масал-поема атамасининг номи икки жанр, яъни масал ҳамда поема (достон) хусусиятларини ўзида мужассам этган жанрлар умумлашмасидан келиб чиққан. Ушбу атама баъзи олимлар томонидан “масали манзума” ҳамда “масали маснавий” деб ҳам юритилади. Масал-поемалардаги барча образлар рамзий (символик) образлардир. Символик образлар — предметлар, ўсимликлар, нарсалар, жониворлар, ранглар орқали ижтимоий ҳодисаларни умумлаштириш демакдир. Чунончи, кабутар — тинчлик рамзи, гул ва булбул — маъшуқа ва ошиқ рамзи, қизил ранг — озодлик рамзи ва ҳоказо¹.

Масал-поемаларнинг яратилиши узоқ ва қадими тарихга эга. Ушбу мавзуу яхлит сюжетга эга достон сифатида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида ҳамда ундан таъсирланиб ёзилган Алишер Навоийнинг “Лисон ут - тайр” достонида қаламга олинган. Ҳар иккала муаллиф ушбу асарида илоҳий муҳаббат ҳақидаги қарашларини баён этадилар. Яъни, тасаввуф

¹ Бобоев Тўхта. Адабиётшунослик асослари — Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.58.



фалсафасига кўра, бу дунё Ҳақнинг тажаллийси – Аллоҳнинг жилоланишидир. Дунёдаги барча мавжудот Аллоҳнинг зухуридир. Шу маънода инсон ҳам ўзидаги мана шу заррани кашф этмоғи, бунинг учун эса жуда узун ва машақатли ёълни босиб ўтмоғи керак. Бу асарда тасвирланган етти водийдир. Сўнгги водий “Фақр-у фано” водийси, яъни ёъқликка айланиб, Аллоҳга қўшилмоқдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Симурғ – Ҳаққа етишиш тимсоли. Қушлар – Ҳақ васлига талабгор соликлар тимсоли. Ҳудҳуд – пири комил рамзи.

XV асрда Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврўз”и ўзбек тилида шу мавзуда ёзилган илк поемадир. XV асрда форсий тилда Фаттоҳий деган шоир “Ҳикояти Ҳусн-у дил” масал-достонини ёзган. Худди шунга ўхшашиб мавзуда XVIII асрда яшаб ижод этган Нишотий “Ҳусн-у Дил” масал-поемасини битган. Достондаги элликка яқин мажозий – тимсолий образлар орқали Ақлшоҳнинг ўғли Дил (Фуод) билан Ишқшоҳнинг қизи Ҳусн ораларидағи севги саргузаштлари, улар дуч келган қийинчиликлар, ғайритабиий воқеа-ҳодисалар, эзгулик кучлари билан ёвуздик кучлари ўртасидаги кураш ярим сехрли-фантастик лавҳалар ёрдамида ҳикоя қилинади. Асарнинг сўнгги фаслларида Дил билан Ҳусн топишиб, Ақлшоҳ билан Ишқшоҳ сулҳга, иттифоқга келишиб, ёшларнинг тўй базмлари ўтказилади. Икки ёшнинг мурод-у мақсадлари ушалади. “Ҳусн-у Дил” достонини бошқа достонлардан фарқлантириб турувчи бир хусусият шундаки, унда иштирок этувчи персонажлар инсоннинг ички ва ташқи қиёфаси (сийрати ва суврати, ботини ва зоҳири) Дил, Ҳусн, Исҳқ, Ақл, Гэсу; фазилат ва психик ҳолатлари — Назар, Каражма, Ҳиммат, Қомат, Вафобону, Нафсбону, Вахми бало, Хаёл, Ишва, Рақиб, Ноз, Оғуш, Сабр каби тушунчалар билан боғлиқ.

XVII аср уйғур адабиётининг кўзга қўринган шоирларидан бири бўлган Муҳаммад Амин Ҳўжамқули ўғли Хирқатийнинг 1670 йил мумтоз адабиётимиз анъаналари руҳида ёзилган, 6432 мисра, 47 бобдан иборат “Муҳаббатнома ва меҳнатком” асари ҳам масал-поемага хосдир. Унда бош қаҳрамон сифатида Қизил Гул, Булбул ҳамда Сабо образлари танлаб олинган. Гул ва Булбулнинг бир-бирига бўлган ишқ-муҳаббатлари асарда жуда эмоциявий ҳолатда ифодаланган. Тонг шамоли ҳисобланган Сабо образи ҳам достонда ғоят катта маҳорат билан тасвирланган. Бу образ Булбул ва Гулни бир-бирига етишишига воситачи бўлган образдир. Мазкур достон ишқий руҳдаги асар бўлиб, шоир ўз орзу умидларини гўзал, баҳтли ҳаёт кечириш



ҳақидаги орзуларини мажозий образлар орқали ифодалаган. Қолаверса, ушбу образлар орқали ахлоқий ғоялар ҳам акс эттириб кетилган.

Бундан ташқари, ХВИИИ аср туркман шоири бўлмиш Шобанданинг 1799-йилда ёзилган “Гул – Булбул”² достонининг бош қаҳрамонлари ҳам Гул ва Булбулдир. Асар Турон подшоҳи Носирнинг якка-ю ягона ўғли Булбул ва Эрон подшоҳи бўлмиш Шоалижоннинг қизи Гулнинг муҳаббати тўғрисидадир. Булбул Гулнинг висолига етишишида бир қанча одамлар, хусусан, Зелили номли қули, дўсти Салобек, устози Муллақаландар ва Нуроний чол ёрдам берадилар. Достонда Булбул ва Гул ўртасидаги муносабатлар хаёлий ва ҳаётий лавҳаларда акс эттирилган. Яъни ушбу достон халқ оғзаки ижодига хос тарзда ёзилганидан унда Нуроний чол (Хизр), оқ ва қора аждар каби образлар ҳамда Дилором боғи (Жаннат боғи) ҳам мавжуд.

Узок даврлардан буён асарлардан илҳомланиш ва янги асарлар учун замин ҳозирлашга интилишлар натижасида ўзгача руҳдаги бадиий жихатдан юксак асарлар яратиш анъана бўлиб келган. Адабиёт тарихидан маълумки, Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий каби машҳур ижодкорларнинг асарлари таъсирида турли характердаги асарлар вужудга келди. Улар илҳом манбайи бўлган асарнинг шакли, образлари, баъзан сюжет чизигини маълум маънода сақлаган ҳолда мавжуд тарихий давр талаблари, ижодкор қарашини ҳам ифодалай олган. Бундай асарларда тазмин бўлган асарни янги руҳда талқин этиш, ғоявий мақсадни ифодалаш анъанаси етакчилик қиласи. Хусусан, Салоҳийнинг “Гул ва Булбул” достони ҳам шу тариқа юзага келди. “Гул ва Булбул” фалсафий-тасаввуфий мавзуда яратилган масал-поема бўлиб, унда Оллоҳга ишқ Булбулнинг Гулга бўлган ишқи тарзида мажозий усул орқали ифодаланган. Мутасаввуф шоир – Салоҳийнинг мазкур достонни ёзишдан асосий мақсади, ишқи мажозийдан ишқи ҳақиқийни қуилаш бўлган.

Адабиётшунос олим Султонали Олимов таъкидлаганидек: “Ҳақ” деганда “Худо” кўзда тутилади. Тасаввуфий адабиётда “ҳақиқат” ёки “ишқи ҳақиқат” атамалари орқали эса Аллоҳга ишқни тушуниш лозим. Чунки ёр, яъни маъшуқ – Худонинг ўзи. Тангрига ишққина ҳақиқий бўлади. Чунки ундан бошқа барча нарсалар – сохта, яъни ясалган ёхуд яратилган, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, махлук, яъни халқ қилинган. Ҳатто, инсон ҳам. Шунинг учун

² Шебенде. Гул – Билбил. – Ашгабат, 1963



дунёдаги энг буюк гўзалик – Тангрининг ўзи. Гўзаликда ундан ўтадиган ҳеч нарса ёқ бу оламда ва бўлиши ҳам мумкин эмас.³

Достоннинг сюжети мажозий бўлгани каби, ундаги тимсоллар ҳам мажозийдир. Гул – Ҳаққа етишиш тимсоли, Сабо – муршид, пири комил рамзи, Булбул эса тариқат ёълига киришган соликдир. Сабо раҳнамолигида Булбулнинг буюк мақсади Гулга етишиш экан, бу мажозий мазмун замирида соликнинг Ҳақ висолига етишиш учун чеккан азоб-уқубатларини англаш мумкин.

Асарнинг бошланишида Булбул ўзининг ҳақиқий ошёнида эмас, балки ўзга ерда нола қилаётганини кўрган Сабо унга насиҳат қиласиди. Сабонинг тўғри ёъл кўрсатиши ҳамда Булбулнинг саъй ҳаракатлари-ила унга мана шундай ишқ насиб қилиб, у бор вужуди билан Гул сари талпинади. Ҳақиқий ошиқка хурсандчилик ёт, у ёрининг ҳажрида фақат ғамгин ва турли дарду балоларга мубтало бўлиб юраверади:

Биҳамдиллаҳ агарчи зор бўлдум,
Муҳаббатдин-да ул ёр бўлдум.⁴

Булбул Гулнинг васлига етишишга бир қадам қолганда унга тикон қаршилик қиласиди. Тикон ҳам бу ерда рамзий образ. Тикон орқали нафс ёки бутун азоб – уқубатлар, қийинчиликлар, дард-у ғамлар англашилмоқда.

Сабо Булбулга насиҳат қиласар экан, ошиқ киши вақтида ишқини юксалтириб, Олий мақсад сари интилишда барча тўсиқ (нафс)ларни енгиб ўтса, албатта, мақсадига етишини таъкидлайди:

Билинг ошиқ киши вақти сахарда,
Етар мақсудиға пурчашм терда.⁵

Асада водий тасвири ҳам борки, у биз яшаб турган фоний дунё рамзиdir. Бу дунё жилва қилиб, ўз чиройи билан одамни маҳлиё қилиб қўяди. Натижада инсон яратганини унутиб, нафсга берилиб кетади. Водий ҳам худди шундай гўзал тарзда тасвирланган:

Бу водий эрди зебойи сабз, хуррам,
Гули бор неча турлук ранг-баранг ҳам⁶.

Ниҳоят, ишқ азобида қийналган Булбул турли водийларни кезиб, турфа қушлар билан мунозара қилгандан сўнг, ҳақиқий ишқни англаб етади ва руҳи

³ Olimov S. "Lison ut tayr"da ishq talqinlari // INFOLIB, №1, 2020.

⁴ Салоҳий. Гул ва булбул тасвири. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фондиди. Инв. № 577. – 6 б

⁵ Ўша асар, – 11 б

⁶ Ўша асар, – 17 б



покланади. Охир оқибатда Сабога чин дилдан ихлос қилиб, “Сен менинг пиримсан, менга раҳнамо бўл”,- деб ундан мадад тилайди ва қилган барча хатолари учун узур сўрайди. Бу водийнинг ҳам бевафолигини тушунади. Бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаб етади.

Чин ошиқ қачон ғамдан озод бўлади, қачонки жисм мавҳ бўлиб, рух озодликка чиққанди. Мажозий ишқ ҳадди аълосига етгач, энди доирада фақат жисм билан рух қолади. Ҳақиқий ишққа етиш учун эса энди жисмдан ҳам воз кечиш лозим. Мажозий ишқ камолга ета боргани сари тилга олинган доирада нафснинг ҳиссаси камаяверади. Худди шундай ҳол Булбулда ҳам содир бўлади:

Ки Гул ишқида Булбул чекди бир оҳ,
Ки ул оҳ ила жони чиқди ногоҳ.⁷

Хаёт – Оллоҳнинг вақтинчалик берилган бебаҳо неъмати. Ўлим эса тирикликтиннинг якуни, аммо ишқ давом этаверади. Чунки жоннинг чиқиши – жисмнинггина маҳв бўлиши, холос. Ёр ёълида жисмдан ҳам шу тариқа воз кечилгач, доирани энди тўлиқ тарзда рух эгаллайди, инсонда руҳдан бўлак ҳеч нарса қолмайди. Яъни одам бутунлай руҳга айланади. Нафс ва жисмдан буткул қутулган руҳгагина ҳақиқий ишқ, яъни чинакам васл – Аллоҳ билан бирлашиш, бошқача айтганда, ваҳдат насиб этиши мумкин. Тасаввуфий адабиётдаги ошиқнинг олий мақсади – шу!⁸

Юқоридаги масал-поемаларда кўриниб турганидек, муайян воқеа лиро-эпик тасвир воситалари ёрдамида мажозий усулда ҳикоя қилинади. Бу орқали эса ё ишқи муҳаббат ёки ижтимоий муҳитнинг айрим томонлари маълум образлар орқали ёритиб берилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи (2-китоб). – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. 384-б.
2. Бобоев Тўхта. Адабиётшунослик асослари — Т.: Ўзбекистон, 2002. -58 б.
3. Валихўжаев Б. Ўзбек классик адабиётида эпик поэзиянинг тараққиёти тарихидан. Филол.фан. д-ри ... дис-яси. – Самарқанд: 1967. 1- қисм. 310-б.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974. - 152б
5. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - 448 б.

⁷ Ўша асар, – 46 б

⁸ Olimov S."Lison ut tayr"da ishq talqinlari // INFOLIB, №1, 2020



6. Лутфий. Гул ва Наврўз. – Тошкент: Ўздавлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. - 118 б.
7. Мухаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари (ИХ-XX асрлар). – Тошкент:Faafur Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. 128-б.
8. Olimov S."Lison ut tayr"da ishq talqinlari // INFOLIB, №1, 2020
9. Салоҳий. Гул ва булбул тасвири. ЎзФАШБ, тошбосма инв 577.
10. Ўзбек адабиёти хрестоматияси (ХВ–ХИХ асрлар). – Тошкент: Фан, 1945. 524-б.
11. Ўзбек адабиёти. 4 томлик. ИИИ том. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. 800-б.
12. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. – Тошкент: Фан, 1953. 454-б.
13. Форсча – ўзбекча ўқув луғати. 2-нашри. — Т.: Ўқитувчи, 1983. 232-б.
14. Шебенде. Гул – Билбил. -Ашгабат, 1963
15. Эркинов С. Лутфий - Тошкент, 1965, -128 б.